



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 8 март, № 48 (8943)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## АЁЛЛАРИ МАЪРИФАТЛИ ХАЛҚ АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛАДИ

Мамлакатимизда 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланмоқда.



Баҳор ва аёл — муштарак тушунчалар... Янгиликлар ва яшариш фасли ҳар бир инсон руҳида ажиб кўтаринчилик уйғотгани, жисмида ўсиш ва ўзгариш пайдо қилгани, қалбини сурурга, меҳр-муҳаббатга тўлдиргани каби аёл ҳам буюк яратувчанлик қудратига эга. Ҳаётда ана шу нафосат маликалари бор экан, эзгу ва хайрли амаллар сари интиламиз, кўнглимизда энг инжа туйғулар жўш уради, эртанги кунга, келажакка ишонч билан яшаймиз. Умримизнинг энг унутилмас лаҳзалари, қувончли дамлари, юракларни тугёнга тўлдирган муҳаббат наҳидаси ҳам ана шу хилқат туйғайди.

Баҳорий ўзгаришлар — табиатга тафти берган кўёш шўъалари, тупроққа обиҳаёт бағишлаган ёмғир томчилари, дала-даштни қоплаган ямшилл майсалар умрнинг янги бир

фасли бошланганидан дарак берса, аёлнинг ўз жисмию жонига келажак авлодни улғайтириши ҳаётнинг бардавомлигини ифодалайди.

Шу маънода, кўпкамнинг илк айёми айнан аёлларга бахшида бўлгани гоёта табиийдир. 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни дунё миқёсида кенг нишонланишидан ҳам ана шу рамзийликни уқиб мумкин.

Санага бағишланган асосий байрам тадбири пойтахтимиздаги Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Турфа гулу чечаклар билан безатилган муҳташам саройга йилгилган юртимизнинг турли ҳудудларидан келган меҳмонлар, давлат ва жамоат арбоблари, сенатор ҳамда депутатлар, зиёлилар, қишлоқ хўжалиги, техника, маданият, адабиёт, илм-фан соҳалари намояндalari — барчанинг юз-кўзида чексиз

қувонч, мамнуният, нур балқийди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, мамлакатимиз аёлларига табрик йўллади.

Президентимиз нутқига таъкидлаганидек, сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, уларнинг кадр-қимматини улғулаш янги Ўзбекистоннинг давлат сиёсатида етакчи ўринга қўйилмоқда.

Албатта, кичик бир ниҳолга меҳр кўрсатилса, кўкка бўй чўзади, шигишгил мевалар беради. Гуллар парваришланса, атрофга кўрк бағишлаб, муаттар ифорга тўлдирлади.

Эътибор ва ғамхўрликдан баҳра олаётган ҳурматли аёлларимиз ҳам турли соҳа ва тармоқларда Ватанимизнинг жадал тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшмоқда. Масалан,

2017 йилда бошқарув соҳасида хотин-қизлар ўртача 20 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирда бу рақам 35 фоизга етди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизини, Сенат аъзоларининг 27 фоизини аёллар ташкил этаётир.

Аёлларнинг давлат бошқаруви ва парламент фаолиятидаги иштироки кучайгани жамиятимиз ривожига ҳам ижобий таъсир этаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Энг муҳими, ақл-заковатли, билимли ва истеъодли хотин-қизларимиз давлат ва жамиятнинг барча соҳасида намуна бўлишмоқда.

Биргина ўтган йилги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида аёл спортчиларимизнинг 3 нафари олтин, 8 нафари кумуш, 3 нафари бронза медалини қўлга киритгани, маданият ва санъат соҳасидаги нуфузли халқаро

танловларда 25 нафар, мамлакат миқёсидаги кўрик-танловларда эса 71 нафар истеъодли қиз голиб бўлгани уларнинг нақадар фидойилик, жонқуялик, шижоат ва матонат руҳи билан яшаётганини намоян қилади.

Президентимиз аёлларнинг турмушдаги ташвиш ва машаққатига, зиммасига олган масъулиятнинг нақадар залварли эканига эътибор қаратди.

— Уй-рўзгор ишлари ва фарзанд тарбиясидан ортиб, таълим олаётган, меҳнат қилаётган ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар замонамизнинг ҳақиқий қахрамонлари, десак, тўғри бўлади. Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг оғирини энгил қилиш, улар учун барча соҳаларда зарур шароитларни яратиб берилмоқда.

— Уй-рўзгор ишлари ва фарзанд тарбиясидан ортиб, таълим олаётган, меҳнат қилаётган ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар замонамизнинг ҳақиқий қахрамонлари, десак, тўғри бўлади. Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг оғирини энгил қилиш, улар учун барча соҳаларда зарур шароитларни яратиб берилмоқда.

Шу боис янги тахрирдаги Конституциямизда муҳрланган ижтимоий давлат тамойилига мувофиқ, аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳам янги босқичга кўтарилмоқда. Жорий йилда ноғиронлиги бўлган 162 минг нафар аёлга санаторий, шифохона ва ўзлари яшаётган маҳаллада тиббий ёрдам кўрсатилади, боқувчисини йўқотган 130 минг нафар хотин-қизга моддий ёрдам берилди, яна 6 мингнинг уй-жой шароитлари яхшиланади, меҳнатга лаёқатли аёллар ишга жойлаштирилади.

Шунингдек, ҳар йили оғир вазиятга тушиб қолган 50 минг нафар хотин-қиз мамлакатимиздаги сўлим масканларга ўқиш ва хордиқ чиқариш учун жойланади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Авалло, сиз, азизларни, кўп миллатли бутун юртимиз аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мутафаккир бобомиз Алишер Навоий буюк она сиймоси, муътабар аёл зотини улғулаб, уларнинг бахт-саодати йўлида барчамизни фидокор бўлишга даъват этгани албатта бежиз эмас.

Чиндан ҳам, меҳр-оқибат, олийжаноблик, муҳаббат ва садоқат каби юксак инсоний қадриятларни қамол топтиришда, оила кўрғонини мустаҳкамлашда сизларнинг хизматингизни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Бугунги кутлуғ байрамнинг файзли Рамазон ойида бўлиб ўтаётгани унинг эзгу руҳи ва мазмунини янада оширмоқда.

Муқаддас динимиз ҳам муҳтарам оналаримиз, дилбар опа-сингилларимиз, мунис қизларимизга ҳамisha яхшилик қилишга, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйишга буюради.

Мана шундай қувончли айёмлар барчангизга муборак бўлсин!

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, уларнинг кадр-қимматини улғулаш Янги Ўзбекистоннинг давлат сиёсатида етакчи ўринга қўйилмоқда.

Бугунги кунда ҳурматли аёлларимиз турли соҳа ва тармоқларда Ватанимизнинг жадал тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшаётганларини миннатдорлик билан эътироф эташимиз.

Масалан, 2017 йилда бошқарув соҳасида хотин-қизлар ўртача 20 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирда бу рақам 35 фоизга етди. Олий Мажлис Қонунчилик па-

латаси депутатларининг 38 фоизини, Сенат аъзоларининг 27 фоизини аёллар ташкил этмоқда.

Аёлларнинг давлат бошқаруви ва парламент фаолиятидаги иштироки кучайгани жамиятимиз ривожига ҳам ижобий таъсир этаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Энг муҳими, ақл-заковатли, билимли ва истеъодли хотин-қизларимиз давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида намуна бўлишмоқда.

Ўтган йили Олимпия ва Паралимпия ўйинларида мамлакатимиз делегацияси таркибидagi аёл спортчилардан 3 нафари олтин, 8 нафари кумуш, 3 нафари бронза медалини қўлга киритгани тарихимизда илгари бўлмаган натижадир.

Қизларимиз маданият ва санъат соҳасида ҳам Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришмоқда. Ўтган йили маданият ва санъат соҳасидаги нуфузли халқаро танловларда 25 нафар, мамлакат миқёсидаги кўрик-танловларда эса 71 нафар истеъодли қизларимиз голиб бўлганлари ҳам шундан далolat беради.

Мана шундай аёлларимиз сафи кенгайиши, қизларимиз бунёдкор авлод бўлиб майдонга чиқиши учун келгусида уларга қўшимча шароитлар яратиб бераримиз.

Албатта, бундай кенг қўламли ишларимиз халқаро миқёсда ҳақли равишда эътироф этилмоқда.

Қадрли юртдошлар! Бир ҳақиқатни барчамиз яхши тушуниб олишимиз зарур. Аёлларнинг ташвиш ва машаққати ҳам, зиммасидаги масъулияти ҳам эркакларга нисбатан анча юқори.

Уй-рўзгор ишлари ва фарзанд тарбиясидан ортиб, таълим олаётган, меҳнат қилаётган ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар замонамиз-

нинг ҳақиқий қахрамонлари, десак, тўғри бўлади.

Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг оғирини энгил қилиш, улар учун барча соҳаларда зарур шароитларни яратиб берилмоқда.

Шу боис янгиликлар Конституциямиздаги ижтимоий давлат тамойилига мувофиқ, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишларни тубдан янгилаш ташкил этмоқдамиз. Бу борада ҳар бир маҳаллада хотин-қизларнинг ҳолати ўрганилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва эҳтиёжманд 1 миллион нафар хотин-қизларимиз "аёллар дафтари"га киритилди.

Жорий йилда уларнинг ҳар бири билан манзилли ишлаб, ноғиронлиги бўлган 162 минг нафар аёлга санаторий, шифохона ва ўзлари яшаётган маҳаллада тиббий ёрдам кўрсатилади, боқувчисини йўқотган 130 минг нафар хотин-қизга моддий ёрдам берилди, яна 6 минг нафар аёлнинг уй-жой шароитлари яхшиланади, меҳнатга лаёқатли ва иш излаётган опасингилларимиз ишга жойлаштирилади.

Шунингдек, ҳар йили оғир вазиятга тушиб қолган 50 минг нафар хотин-қиз мамлакатимиздаги сўлим масканларга ўқиш ва хордиқ чиқариш учун жойланади. Уларга психологик ёрдам кўрсатилиб, тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш бўйича мотивацион семинарлар ташкил этилади.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қ. Рафиқов бу ишларга бош-қош бўлади.

**Хотин-қизларнинг саломатлиги — ҳар томонлама соғлом ва қудратли жамият пойдеворидир.**

Шу мақсадда юртимиздаги 230 та туғуруқ муассасаси 21 мингга энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланади.

Бундан ташқари, жорий йилда 1,5 миллион нафар хотин-қизда саратон касалигини эрта аниқлаш мақсадида скрининглар ўтказилади.

Аёллар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт оммалашиб бораётгани билан спорт соғлом муҳитни шакллантиришга катта туртки бермоқда. Шу боис бу йил барча маҳаллалардаги 4 миллион хотин-қиз оммавий спорт мусобақаларига жалб қилинади.

Биз бир муҳим ҳақиқатни ҳаётимиз қоидага айлантиришимиз зарур. **Аёллар соғлом бўлса — оила мустаҳкам бўлади, уларда маънавий муҳит, ишчанлик кайфияти юксалади, келажакки ишонч ортади.**

Бугунги кунда юртимизда 40 мингта ана шундай оила барчага намуна бўлаётгани, ўтган йили уларнинг 208 таси "Ибратли оила" кўрак нишонин билан тақдирлангани барчамизни хурсанд қилади.

Биргина мисол. Тошлоқ туманидаги Кўзибевлар оиласи 45 йил давомида барчага ўрнак бўлиб келмоқда. Оила бекаси Муқаддамхон опа умрининг 35 йилини ёш авлодга таълим-тарбия беришга бағишлаган. У киши турмуш ўртоғи билан биргаликда фермер хўжалиги ҳам ташкил этиб, тумандаги элликка яқин оилани даромадли қилган.

Яна бир жиҳатига эътибор беринлар. Бу оила 30 дан ортиқ эҳтиёжманд оилани оталиққа олиб, уларнинг фарзандларига ғамхўрлик кўрсатиб, таълим олиши, касб-хўна ўрганишига кўмаклашмоқда.

Маҳаллаларда баркамол авлодни вояга етказиш ва камбағалликка қарши курашишда бизга мана шундай ибратли оилалар елкадош бўлиб келаётгани ҳар қандай юксак эътирофга муносибдир.

(Давоми 2-бетда).

## КЕЛГУСИ УЧ ЙИЛДА НОЁБ МИНЕРАЛЛАР БЎЙИЧА ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 7 март куни sanoat учун муҳим минераллар хомашё базасини кенгайтириш ва қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича тақдимот билан танишди.**

Юртимиз ҳудудидa вольфрам, молибден, магний, литий, германий, графит, ванадий ва титан каби 30 дан ортиқ sanoat учун муҳим минераллар мажмуд. Лекин илгари бу имконият тўла юзгага чиқарилмаган. Қазилмаларни қидириш, техноген чиқиндиларни қайта ишлаб, фойдали моддаларни ажратиш олиш ва улардан маҳсулот тайёрлашга инвестиция киритилмаган эди.

Сўнгги йилларда ташкилий асос яратилиб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар олиш бўйича ишлар бошланди. Тақдимотда Тоғ-кон sanoati ва геология вазири бу йўналишдаги имкониятлар ҳақида ахборот берди.

Келгуси уч йилда 28 та ноёб минерал бўйича 2,6 миллиард долларлик 76 та лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда. Бунинг учун хомашё базасини кенгайтириш мақсадида геология-қидирув ва илмий тадқиқот ишларига қўшимча маблағ ажратилиш кўзда тутилмоқда.

Энг асосий вазифа — замонавий технологияларни қўллаб, қиммат хомашёни рудадан ажратиш олиш, софлигини ошириш ва юқори қийматли маҳсулотлар яратиш экани кўрсатиб ўтилди. Масалан, "Ингичка" конидаги вольфрам концентрати бойитилса, қўшилган қиймат 2 қарра ошади. Ҳозирча шу каби 18 та лойиҳа ишлаб чиқилган.

Соҳада "хомашё — қайта ишлаш — илм ва технология — тайёр маҳсулот" занжири кенгайтириш мақсадида молибден ва вольфрамга бой Тошкент ва Самарқанд вилоятларида технопарклар ташкил қилиш таклифи билдирилди.

Давлатимиз раҳбари бу борада sanoat тажрибалари ва технология трансферини амалга ошириш, замонавий лаборатория ва ўқув марказлари очиш бўйича топшириқлар берди. Умуман, "тўртинчи sanoat инқилоби" даврида муносиб ўринга эга бўлиш учун мустаҳкам замин яратиш зарурлиги таъкидланди.

ЎЗА.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Фурсатдан фойдаланиб, Янги Ўзбекистон тимсоли бўлган ана шундай ибратли оилаларга чин дилдан самимий ташақкурларимни билдираман.

**Бундай оилалар қанча кўпайса, Ватанимиз шунча кучли, халқимиз шунча қудратли бўлади! Ибратли оила — ибратли ва адолатли жамият учун асос бўлади.**

Азиз опа-сингиллар!

Барчангизга яхши маълум, кейинги йилларда хотин-қизларнинг сифатли таълим олишига алоҳида эътибор қаратилди.

Мен бир фикрни такрор ва такрор айтишдан сира ҳам чарчамайман.

**Битта қизни ўқитсак, бутун оиллага таълим берган бўламиз. Агар оила билими, маърифатли бўлса, жамиятнинг онги, маданий даражиси ҳам юксалади.**

Юртимиздаги 203 та олийгоҳ талабаларининг 52 фоиздан ортигини хотин-қизлар ташкил этаётгани мана шу эзгу гоенинг амалий натижаси, десак, айна ҳақиқати айтган бўламиз. Ўтган йилнинг ўзига магистратурада ўқиётган 15 миingga яқин хотин-қизларга 100 миллиард сўмга яқин контракт пули тўлаб берилди.

Хозирги вақтда 6 минг 200 дан ортиқ хотин-қизлар илмий фаолият билан шуғулланаётгани, илмий ишланмаларнинг 25 фоизини оlima аёлларимиз яратётгани ҳам, жамиятда уларнинг ўрни мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Уларнинг орасида халқаро даражада эътироф этилаётган илм-фан вакилларининг борлиги барчамизга чексиз фахр-ифтихор бағишлайди, ёшларимизни янги-янги ютуқларга ундайди.

Масалан, таниқли микробиолог олимимиз Дилфуза Эгамбердиева шўрланган тупроқда серхосил экинлар етиштириш бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари учун ЮНЕСКОнинг нуфузли Карлос Финлей халқаро мукофотига сазовор бўлди.

**Аёллари ўқимишли ва касб-хунарли бўлган юртда тинчлик ва тараққиёт бўлади. Аёллари маърифатли бўлган халқ албатта бахтли бўлади.**

Шу боис ҳар бир оиладаги қизларимиз боғча, мактаб билан тўлиқ қамраб олиниши, замонавий касб-хунар ва чет тилларини эгаллаши, олий маълумотга эга бўлиши учун бундан буюн ҳам барча шароитларни яратамиз. Хусусан, бу йил 250 минг нафар қизимиз олий таълимга қамраб олинади. Бу 2017 йилга нисбатан 3,5 карра кўп. Натижда ҳар бир маҳалладан 25 — 30 нафар хотин-қиз олийгоҳларда таълим олиш имконига эга бўлади.

Бунинг учун Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси З. Маҳқомова, Мактабча ва мактаб таълими вазири Х. Умарова ҳар бир мактабда юқори синфда таълим олаётган қизларимиз билан ишлашни индивидуал ёндашув асосида ташкил этиб, уларни олийгоҳларга тайёрлайди.

Бу йил шароити оғир оилалардаги иқтидорли ёшларни хорихда ўқитиш бўйича “Ёрқин келажак” лойиҳасини бошляппиз. Ушбу лойиҳа доирасида камида 200 нафар қизимиз ҳар йили дунёнинг нуфузли олийгоҳларига ўқишга юборилади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қ. Шарипов, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б. Зоҳидов, Савдо-саноат палатаси раиси Д. Ваҳобов тизими эса яна 250 минг нафар хотин-қизни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш учун масъул бўлади.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Биз халқимизнинг розилигини, аввало, сизларнинг розилигиниз, деб тушунамиз.

Бу борада аёлларимизни бевозта қилаётган энг катта масала, бу — ишсизлик. Шу боис хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш бўйича катта дастурларни амалга оширяппиз. Ўтган йилнинг ўзига бу мақсадларга 17 триллион сўм кредит ажратилди. Ана шундай эътибор тўғрисида аёл тадбиркорларимиз ўтган йили 81 триллион сўмлик маҳсулот яратиб, 450 миллион долларлик экспортни амалга оширган албатта таҳсинга сазовордир.

Масалан, Навоий шаҳрида қандолат ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркор Шаҳноза Каримова 50 нафар эҳтиёжманд хотин-қизни ўқитиб, ишга олган. Шулардан 10 нафарига уй-жой сотиб олиш учун бошланғич тўловни тўлаб берган.

Энг муҳими, бундай саховатпеша тадбиркор аёллар барча ҳудудларимизда кўплаб топилди. Улар “**Мен — бунёдкор аёлман**” деган лойиҳани илгартириб, маҳаллаларда минглаб аёлларни касб-хунарга ўқитиб, даромдли қилиш ташаббусини билдиргани, тўғриси, мени жуда руҳлантирди.

Мен ўзига катта ижтимоий масъулият олган мана шундай ишбилармон хотин-қизларни “**Янги Ўзбекистоннинг бунёдкор аёллари**” деб биламан ва уларга чуқур миннатдорлик изҳор этаман. Уларга қандай қўшимча шароит ва енгилликлар керак бўлса, яратиб беришга тайёремиз.

Шу борадаги амалий қадам сифатида Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тадбиркор аёллар кенгашини ташкил этсак, нима дейсизлар?

Ушбу кенгаш жойларда аёл тадбиркорларни қийнаётган ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш бўйича тўғридан-тўғри парламент олдида масала кўйса, ўйламанки, айна мударо бўлади.

Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Нодира Шотурсунова бу ишларга бош-қош бўлади.

Бу йил 2 миллион нафар аёллар бандлигини таъминлаш, шундан 1 миллион 300 минг нафар хотин-қизни тадбиркорликка жалб этиш бўйича катта марралар олганмиз. Бунинг учун тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун кулай молиявий пакетлар тақдим этилади.

Мисол учун, “Миллий банк” (А. Мирсоатов) хизматлар соҳасида камида 200 минг нафар хотин-қизнинг лойиҳаларига кўмаклашади. “Туронбанк” АТБ (Ч. Мирзаев) лимончиликда 150 минг нафар аёллар даромад топиши учун арзон кредитлар тақдим этади.

Худди шунингдек, “Микрокредитбанк” АТБ (О. Бўтаев) паррандачиликда — 160 минг нафар, “Саноат қурилиш банк” АТБ (А. Акбаржонов) сабзавот ва кўчатлар етиштиришда — 160 минг, “Халқ банки” (Ш. Отабоев) узум, брокколи ва маҳаллий қарам етиштиришда — 150 минг, “Агробанк” (Э. Қажҳоров) боғдорчилик йўналишида — 144 минг, “Бизнеси ривожлантириш банки” (С. Аннақичев) кўчат, булғор қалампири, бақчалар ва помидор етиштиришда — 94 минг, “Асакабанк” (Қ. Тўлағанов) фармацевтика ва узумчиликда — 82 минг, “Алоқа-банк” (К. Ирисбекова) IT, асаларчилик ва мевали экинлар етиштиришда 58 минг нафар аёлларимизни банд этишга кўмаклашади.

Шу мақсадда бу йил маҳаллаларда аёллар тадбиркорлиги лойиҳалари учун қўшимча 3,3 триллион сўм ажратилади. Хусусан, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида яна 100 миллион доллар берилди. Бунга қўшимча равишда тижорат банклари ҳам 100 миллион доллар жалб қилиб, маҳаллаларда ўзини ўзи банд қилган хотин-қизларга 50 миллион сўмга қаровсиз кредитлар ажратади.

Ўтган йили ташкил этилган “Хамроҳ” компанияси янги тизим асосида Тадбиркор аёлларни кўплаб-қувватлаш дастурини бошлаган эди. Бу лойиҳага ҳам 100 миллион доллар ажратганмиз.

Кредитини вақтида тўлаган аёл тадбиркорларга ушбу дастур доирасида 100 миллион сўмга қаровсиз кредит беришни бошлаймиз.

Шунингдек, маҳаллада 5 нафар аёлни бизнесга олиб кирган 1 минг нафар “устоз” тад-

биркорларга 50 миллион сўмга қаровсиз грант ажратилади.

Марказий банк (Т. Ишметов) тижорат банклари билан бирга икки ой муддатда банкларда хотин-қизлар учун янгича ёндашув асосида молиявий хизматларни йўлга қўйиш учун масъул бўлади.

Масалан, туғуруқ таътилига чиққан аёллар учун банк кредитлари бўйича тўловлар муддати 10 ойгача узайтирилади.

Энди аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича 4 босқичли янги тизимни йўлга қўямиз.

**Биринчи босқичда** бизнесга қизикқан, лекин кўникмаси бўлмаган 20 минг нафар хотин-қиз тадбиркорликка ўқитилади. Бунга Савдо-саноат палатаси (Д. Ваҳобов, Н. Шотурсунова) масъул бўлади.

**Иккинчи босқичда** “Халқ банки” (Ш. Отабоев, Г. Рашидова) ўзини ўзи банд қилган 100 минг нафар аёлнинг кичик тадбиркор бўлиши учун кўмаклашади.

**Учинчи босқичда** ҳар бир туманда 2 тадан кичик корхонани намунали ўрта бизнес даражасига олиб чиқишга “Хамроҳ” компанияси (Д. Нурматов) масъул бўлади.

**Тўртинчи босқичда** Савдо-саноат палатаси (Д. Ваҳобов) энг фаол 50 нафар аёл тадбиркорни илмий айланмаси 100 миллион сўмдан ошадиган “чемпион тадбиркор”га айлантиради.

Жорий йилда 60 та тумани “ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудуд”га айлантираш бўйича катта марра олганмиз. Бунга қўшимча равишда ҳокимлар ҳар бир вилоятнинг 2 тадан туманини ишсиз аёллар қолмайдиган ҳудудга айлантираш учун масъул бўлади.

Умуман, 2025 йил аёллар бандлигини таъминлашда ҳал қилувчи йил бўлади.

Хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш, ишли қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 2 миллион нафар аёлнинг бандлиги таъминланади.

Бунда Марказий банк (Т. Ишметов) тижорат банклари билан 1 миллион 300 минг нафар, қасаба уюшмалари Федерацияси (Қ. Рафиқов) “аёллар дафтари”га киритилган 636 минг, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси (З. Маҳқомова) тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 100 минг нафар хотин-қизни ўқитиб, иш билан таъминлаш ва бизнесини очишга кўмаклашиш учун масъул бўлади.

З. Маҳқомова, Қ. Рафиқов бугун айтилган ҳар бир йўналиш бўйича белгиланган вазири фалар ижросини вилоят, туман, маҳалла даражасида самарали ташкил этишга масъул бўлади.

Т. Норбоева маҳаллий Кенгашлар билан бирга бу ишларни тизимли назоратга олиб, масъуллар иштирокида уларни мунтазам муҳокама қилиб боради.

Мухтарама опа-сингиллар! Бугунги кунда ҳаётимиз, одамларнинг турмуш тарзи, тафаккури, дунёқараши ва маданияти тобора юксалиб бормоқда.

Олдимииз барча соҳа ва йўналишларда гоят улғувор мақсадларни қўймоқдамиз. Бунга эришиш учун биз таянадиган етук авлодни тарбиялаб, вояга етказиш сиз, азизларнинг — фидойи оналарнинг қўлида.

Шунинг учун сиз, мухтарама аёлларимизга улкан таҳсинлар айтиб, сизларни кўплаб-қувватлашдан ҳеч қачон чарчамаймиз.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Бугунги байрам муносабати билан меҳнат фаолияти ва жамоат ишларида катта натижаларга эришган, эл-юртимиз ўртасида ҳурмат ва эътибор толган мухтарама аёлларимиздан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак орден ва медаллари билан тақдирландилар.

Шунингдек, ўзининг билими, иқтидори ва одоби билан тенгдошларига намуна бўлиб келаятган қизларимиздан 28 нафари турли соҳалардаги ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

Ватанимизнинг юксак мукофотлари барчангизга муборак бўлсин! Сизларни ўз номимдан, бутун халқимиз номидан ана бир бор чин юракдан табриклаб, келгуси ишларингизда улкан ютуқ ва омадлар тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинглар! Қадрли юртдошлар! Мухтарама опа-сингиллар!

Мухтарама аёлларимизга, унинг бунёдкорлик салоҳиятига ишониб, бошлаган улкан ислохотларимизни қатъий давом эттиришимиз, янги босқичга қўтаришимиз лозим.

Жонажон Ватанимизнинг янги юксалиш даврини барпо этишда азиз аёлларимиз доимо олдинги сафда бўладилар, деб ишонаман.

Сизларни бугунги кутлуғ байрам билан ана бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-омонлик, дунёдаги энг катта бойлик — оилавий бахт-саodat ёр бўлишини тилайман.

Доимо фарзандларингиз ва яқинларингиз, эл-юртимиз ардоғида юриш насиб этсин!

## АЁЛЛАРИ МАЪРИФАТЛИ ХАЛҚ АЛБАТТА БАХТЛИ БҲЛАДИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Хотин-қизларнинг саломатлиги ҳар томонлама соғлом ва қудратли жамият пойдеворидир. Баркамол авлодни улғайтириш ҳақида гап кетар экан, аввало, онанинг саломатлигини таъминлаш ҳар жиҳатдан муҳим. Шу боис 230 та туғуруқ муассасаси 21 мингта энг замонавий тиббий ускуна билан жиҳозланади. Бундан ташқари, жорий йилда 1,5 миллион нафар хотин-қизда саратон касаллигини эрта аниқлаш мақсадида скрининглар ўтказилади.

Киз боланинг ўқиши бутун оиллага наф келтириши яна бир бор таъкидланди. Агар оила билими, маърифатли бўлса, жамиятнинг онги, маданий даражаси ҳам юксалади. Талабаларнинг 52 фоиздан ортигини хотин-қизлар ташкил этаётгани мана шу эзгу гоенинг амалий натижаси дейиш мумкин. Ўтган йилнинг ўзига магистратурада ўқиётган 15 миingga яқин хотин-қизларга 100 миллиард сўмга яқин шартнома пули тўлаб берилди.

Хозирги вақтда 6 минг 200 дан ортиқ хотин-қизлар илмий фаолият билан шуғулланаётгани, илмий ишланмаларнинг 25 фоизини оlima аёллар яратётгани ҳам жамиятда уларнинг ўрни мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Ҳар бир оиладаги қизлар боғча, мактаб билан тўлиқ қамраб олиниши, замонавий касб-хунар ва чет тилларини эгаллаши, олий маълумотга эга бўлиши учун бундан буюн ҳам барча шароит яратилади. Хусусан, бу йил 250 минг нафар қиз олий таълимга қамраб олинади. Бу 2017 йилдагига нисбатан 3,5 карра кўп. Яна 250 минг нафар аёл касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилади. “Ёрқин келажак” лойиҳаси доирасида камида 200 нафар қиз ҳар йили дунёнинг нуфузли олийгоҳларига ўқишга юборилади.

Зотан, Президентимиз таъбири билан айтганда, **аёллари ўқимишли ва касб-хунарли бўлган юртда тинчлик ва тараққиёт бўлади. Аёллари маърифатли бўлган халқ албатта бахтли бўлади.**

Давлатимиз раҳбари хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш масалаларига алоҳида тўхталди. Бу борадаги амалий қадам сифатида Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тадбиркор аёллар кенгашини ташкил этиш ташаббусини илгартирдим. Ушбу кенгаш жойларда аёл тадбиркорларни қийнаётган ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш бўйича тўғридан-тўғри парламент олдида масала кўйиш ваколатига эга бўлади.

Бу йил маҳаллаларда аёллар тадбиркорлиги лойиҳалари учун қўшимча 3,3 триллион сўм ажратилади. Хусусан, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида яна 100 миллион доллар берилди. Бунга қўшимча равишда тижорат банклари ҳам 100 миллион доллар жалб этиб, маҳаллаларда ўзини ўзи банд қилган хотин-қизларга 50 миллион сўмга қаровсиз кредитлар ажратади.

Қайд этилганидек, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича 4 босқичли янги тизим йўлга қўйилади. **Биринчи босқичда** бизнесга қизикқан, лекин кўникмаси бўлмаган 20 минг нафар хотин-қиз тадбиркорликка ўқитилади. **Иккинчи босқичда** ўзини ўзи банд қилган 100 минг нафар аёлнинг кичик тадбиркор бўлишига кўмаклашилади. **Учинчи босқичда** “Хамроҳ” компанияси ҳар бир туманда 2 тадан кичик корхонани намунали ўрта бизнес даражасига олиб чиқишга масъул бўлади. **Тўртинчи босқичда** энг фаол 50 нафар аёл тадбиркор йиллик айланмаси 100 миллион сўмдан ошадиган “чемпион тадбиркор”га айлантиради.

Умуман, бу йил аёллар бандлигини таъминлашда ҳал этувчи йил бўлади. Хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш, ишли қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 2 миллион нафар аёлнинг бандлиги таъминланади.

Аёл деганда кўз олдимизда, аввало, мунис ва мўътабар Она гавдаланади. Бу мухтарама зотни эъзозлаш халқимиз учун олий қадрият даражасига қўтарилади. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий:



Оналарнинг оёғи остидадир Равази жаннат унинг боғи. Равази боғи висолни истар эсанг, Бул онанинг оёғи тўғроғи, — деб ёзаркан, миллатимизнинг энг эзгу ва қадрили тушунчаларини тараннум этади.

Биз Она тимсолида Ватанини кўрамиз, эзгуликни, энг покиза туйғуларни Онада туйамиз, Она кўзи билан дунёни таниймиз. Шу боис навқирон авлод камолотида, халқимиз ўзи кўзлаган юксак марраларга эришишда хонадонларимиз файзу фариштаси бўлган оналарнинг ўрни, ҳиссаси беқиёс.

— Олдимиизга барча соҳа ва йўналишларда гоят улғувор мақсадларни қўймоқдамиз. Бунга эришиш учун биз

таянадиган етук авлодни тарбиялаб, вояга етказиш сиз, азизларнинг — фидойи оналарнинг қўлида, — деди давлат раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 3 мартдаги қарорига биноан 28 нафар қиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан, 4 мартдаги Фармонга мувофиқ меҳнат фаолияти ва жамоат ишларида катта натижаларга эришган бир гуруҳ аёллар ордени ва медаллар билан тақдирланган эди. Тадбирда ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Маросим сўнгида Шавкат Мирзиёев халқимиз номидан аёлларни яна бир бор табриклаб, эзгу тилаклар билдирди.

\*\*\* Байрам доирасида “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида тантанали тадбир ўтказилди. Унга Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирилар Маҳкамаси, Олий Мажлис Сенати, Қонунчилик палатаси вакиллари, турли вазирилик ва идоралар, ташкилотларда меҳнат қилаётган аёл-қизлар, жорий йилда Президентимиз Фармони асосида давлат мукофотлари билан тақдирланган опа-сингилларимиз, фаол аёллар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиблари тақлиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кўнига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

видеотрансляция орқали намоиш қилинди.

Мушқий дастур давомида санъат усталари ва ижроқил-ёшлар томонидан бахт ва баҳор, янгилайнаётган Ўзбекистонимиз, мунис опа-сингилларимиз, онажонларимизни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси Зулфия Маҳқомова иштирок этди.

Байрам муносабати билан ташкил қилинаётган тадбирлар мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»).



# ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНГАН ЖОЙДА КАМБАҒАЛЛИК ОРТГА ЧЕКИНАДИ

Дунёдаги ҳозирги таҳликали ва мураккаб шароитда давлатимиз раҳбари томонидан иқтисодий таълимни барқарор ривожлантириш борасида амалга оширилган одилонга сиёсатни халқимиз ҳам, халқаро ҳамжамият ҳам эътироф этмоқда.

Юртимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас.

## Мушоҳада

Ислохотлар давомида Президентимиз томонидан Қорақалпоғистонда соҳани тараққий эттириш, тадбиркорларга бизнес юритиш учун қулай муҳит яратиш ва имтиёзлар беришни назарда tutувчи 15 дан ортиқ Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, кенг имкониятлар яратилмоқда.

Тадбиркорларга кредит ажратиш ва молиявий қўллаб-қувватлаш, солиқ имтиёзларини қўллаш, ер ажратиш, коммуникация тармоқларига улашиш каби импорт соҳаларида берилган ушбу имкониятлар, албатта, ҳудудда бизнеснинг ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбарининг "Тадбиркорликни ривожлантириш — биз учун стратегик вазифа. Бизнинг таянчимиз ҳам, суянчимиз ҳам шу соҳада муваффақият. Шу боис тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш марказдан торттиб энг қўйи бўйингача — барча раҳбарларнинг кундалик иши бўлиши шарт", деган сўзлари ҳамма раҳбарлар қаторида прокурорлар зиммасига ҳам аниқ вазифалар юклайди.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлик соҳасига яратилган имтиёз ҳамда имкониятларнинг аниқ ва бир хилда қўлланилиши, бирор тадбиркор улардан фойдаланишида тўсиқларга учрамастлиги борасида қатъий назорат ўрнатилган. Шу билан бирга, ҳудудда соҳа вакиллари кўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш прокурорларнинг доимий эътиборида.

Утган йилнинг июнь ойида Қорақалпоғистон прокуратурининг ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, ички ишлар ва солиқ идоралари раҳбарлари, Марказий банк ва

Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармалари бошлиқлари томонидан қабул қилинган "Қорақалпоғистон Республикаси прокуратура органлари томонидан ҳудудларда тадбиркорликни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга оширишга қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини самарали таъминлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қўшма фармойиш бу борадаги ишларни зўр иштиёқ билан амалга оширишга дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжат билан тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилишидан фаолиятни яхши йўлга қўйишга муаммоларини ҳал қилишга қўллаб-қувватлашчи Маслаҳат кенгашлири ва Ички гуруҳлари бугунги кунда самарали иш олиб бормоқда. Ишларнинг манзилли юритилиши натижасида 700 нафардан ортиқ тадбиркорларнинг мавжуд муаммолари бартараф этилди.

Кўрсатилган амалий ёрдамлар натижасида фаолият тўхтаб қолган 820 нафар тадбиркорлик субъекти қайта тикланиб, фаолият йўлга қўйилган бўлса, рўйхатдан ўтмасдан тадбиркорлик билан шуғулланаётган 465 нафар субъектнинг иши белгиланган тартибда қонунийлаштирилди.

Бевосита прокурорлар ташаббуси билан ҳудудларда ўрганишлар ўтказилиб, амалга ошириш белгиланган ва ташаббускорлари аниқланган қиймати 164,7 млрд. сўмлик 828 та янги тадбиркорлик лойиҳаси шакллантирилиб, 2491 та иш ўрни яратилиши режалаштирилди. Бугунги кунгача умумий қиймати 101,5 млрд. сўмлик 421 лойиҳа ишга туширилиб, 785 та янги иш жойи очилди. Бундан ташқари, 103 та тадбиркорлик лойиҳасини амалга ошириш учун 1.231 гектар

ер майдони Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қарорлари асосида тўғридан-тўғри ажратиб берилди.

Ишчи гуруҳлари томонидан ўн та санаот корхонасининг иши ўрганилиб, 15 та лойиҳа ишга туширилди, бунинг натижасида маҳалланинг 40 га яқин ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Масалан, маҳаллада қаровсиз ётган 1 гектар майдондаги табиий қўлда балиқчилик фаолияти билан шуғулланиш учун фуқаро А. Узакбаев томонидан "Чингизхон Арухан" МЧЖ ташкил қилиниб ҳамда 200 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилиб, фаолиятига старт берилди.

Президентимиз раҳбарлигида 2024 йил 16 декабрь куни банклар томонидан маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадли қилиш ва камбағалликдан чиқариш бўйича берилган вазифалар бу

маҳалла банкirlлари аҳолини банк хизматларига қизиқтириш ва лойиҳа тақлифларини топиш ишларини амалга ошириши йўлга қўйилди.

Ушбу вазифаларнинг аниқ ва тизимли бажарилишини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 3 февраль куни Қорақалпоғистон Республикаси прокуратури ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, ички ишлар ва солиқ идоралари раҳбарлари хамкорлигида "Ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини кўпайтириш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга оширишга қўллаб-қувватлаш" дастури доирасида лойиҳалар ишлаб чиқиш, кредит ресурслари ажратиш борасидаги фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қўшма фармойиш қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат билан тижорат банклари, камбағалликни қисқартириш ва бандлик органларининг янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этиш орқали иш ўринларини яратиш, аҳолини камбағалликдан чиқаришга қаратилган фаолият мувофиқлаштириб борилмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, Қорақалпоғистонда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармони қабул қилингани бунинг яна бир далилидир. Ушбу ҳужжат билан белгиланган вазифаларнинг мuddатида ва тўлиқ бажарилиши прокурорларнинг доимий назоратида бўлиб қолади.

Зеро, ҳаётнинг ўзи исботлаб турибдики, тадбиркорлик кенг ривожланган жойда, ишсизлик ҳам, камбағаллик ҳам ортга чекинади, халқ фаровон яшайди, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ўз-ўзидан жойланмади.

Шу маънода, бор кучимиз тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликдан чиқариш, муҳими, халқимиз розилигига эришишга қаратилади.

Эрқабай ТАДЖИЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори.

**“Бевосита прокурорлар ташаббуси билан ҳудудларда ўрганишлар ўтказилиб, амалга ошириш белгиланган ва ташаббускорлари аниқланган қиймати 164,7 млрд. сўмлик 828 та тадбиркорлик лойиҳаси шакллантирилиб, 2491 та иш ўрни яратилиши режалаштирилди. Бугунги кунгача умумий қиймати 101,5 млрд. сўмлик 421 лойиҳа ишга туширилиб, 785 та янги иш жойи очилди. Бундан ташқари, 103 та тадбиркорлик лойиҳасини амалга ошириш учун 1.231 гектар ер майдони Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг қарорлари асосида тўғридан-тўғри ажратиб берилди.”**

лаларда амалий ёрдамлар кўрсатилди. Бунинг натижасида 3 минг нафарга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи банд этишига эришилиб, 2603 та тадбиркорлик субъекти янгидан ташкил қилинди.

Шу билан бирга, Нукус шаҳар ва туманлардаги маҳаллаларнинг ихтисослашув (драйвер) соҳалари таҳлил этилиб, ҳар бир маҳаллани ихтимой-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилди ҳамда ижроси назоратга олинди.

Биргина Қорақалпоғистон Республикаси прокуратури масъул қилинган Нукус туманининг Дийҳан арна маҳалласида лойиҳа

борадаги ишларимизнинг мантиқий давоми бўлди.

Тадбиркорлик соҳасини энг пасти бўйингача қўллаб-қувватлаш ва энг асосийси, маблағлар мақсадли сарфланишининг ўз эгалари томонидан жойида назоратини амалга оширишга имкон берувчи механизмлар яратилди. Банк раҳбарларининг бошқа ҳудудлардан илғор тадбиркорларни олиб келиб, уларга қўшимча кредитлар ажратиш, тижорат банкларининг маҳаллабай иш-режалари асосида аҳолини кредит олиш, қайтариш, бизнесни йўлга қўйиш ва маҳсулотини сотишга ўргатиш, миқозбай ишлаб, тадбиркорлар лойиҳаларига қўллаб-қувватлаш,

Эрқабай ТАДЖИЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори.



## СПОРТ ХАБАРЛАРИ НАФИСЛИК ВА САЛОМАТЛИК МАНБАИ

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Тошкент шаҳрида вазирилик, идора ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар ўртасида ташкил этилган стол тенниси, шахмат-шашка бўйича турнирнинг голиб ва совриндорлари аниқланди.



"Спорт — нафислик ва саломатлик манбаи" шiori остида ўтказилган мусобақаларда 150 нафарга яқин хотин-қизлар голиблик учун курашди.

Кизиқарли кечган баҳслар якунида стол тенниси бўйича Ички ишлар вазирилиги вакили М. Раҳимова, шахмат мусобақаларида Тошкент механика заводи ходими Т. Курбонова, шашка баҳсларида "Ўзметкомбинат" АЖ хизматчиси З. Ҳакимова голиб бўлди.

Яқунда голиб ва совриндорлар медал, диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

## ХОККЕЙЧИЛАРИМИЗДАН ТАРИХИЙ ҒАЛАБА

Таиландда хоккей бўйича "U18" ёш тоифасидаги жаҳон чемпионатининг III дивизион, "Б" гуруҳидан ўрин олган баҳслар якунланди.

Кувонарлиси, дунё биринчилигида илк бор қатнашган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси гуруҳдаги барча учрашувда ғалаба қозониб, 1-ўрин билан кейинги босқич иштирокчисига айланди.



Гуруҳдаги сўнгги ўйинда ёшларимиз мезбонларни 3:2 ҳисобида доғда қолдиришга муваффақ бўлди. Ушбу ғалаба жамоамизга келаси йили III дивизионнинг "А" гуруҳида қатнашиш имкониятини тақдим этди.

## ОКСАНА ЧУСОВИТИНА — ФИНАЛДА!

Айни кунларда Озарбайжонда спорт гимнастикаси бўйича Жаҳон кубогининг навбатдаги босқич беллашувлари бўлиб ўтмоқда.

Ушбу мусобақада қатнашаётган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Оксана Чусовитина финал босқичига йўл олди. Юртдошимиз ўзининг сезимли таяниб сакраш дастурида медаллар учун курашни давом эттирадиган бўлди. Чусовитина саралаш босқичида 13.266 балл тўплаб, иккинчи натижа билан финалчилар қаторидан жой олган. Финал дастури бугун бўлиб ўтиши кўзда тутилган.



«Халқ сўзи».

### РЕКЛАМА

## АВТОМОБИЛНИ СОТУВГА ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА



Эрон Ислom Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси куйидаги белгилар ва маълумотларга эга бўлган автомобилни сотувга қўяди:

- Русуми: "Mercedes-Benz S350".
- Ишлаб чиқарилган йили: 2009 йил.
- Ранги: қора.
- Ёнилғиси: бензин.
- Юргани: 49 000 км.

**Божхона расмийлаштируви ҳолати:** ўтмаган (растаможка қилинмаган).

**Афзаллиги:** автомобиль яхши ҳолатда бўлиб, тартибли, эҳтиёткор ҳайдовчи бошқарган.

**Нархи:** 10 000 (ўн минг) АҚШ доллари (савдолашилади).

**Боғланиш учун  
телефон рақами:  
+998 93 595 74 74.**

## Жорий йилда 2 млн. хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш, шундан 1 млн. 300 минг нафарини тадбиркорликка жалб этиш кўзда тутилган.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашир индекси — 229. Буюртма Г — 342. 15 120 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетаник ҳақидаги маълумотларни оқибат олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; **қотилибмат** 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган қўламлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг маълумоти берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислom Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.  
Мусаҳҳих — С. Исломов.

"Шарқ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.30 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6